

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Х У К М

2024 йил август ойининг 14 куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Чиноз туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида ва Чиноз тумани, “Бешкапа” МФЙ. биносида, сайёр очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи: судья Х.Парпиев, судья ёрдамчиси Н.Имомалиеванинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Чиноз туман прокурори ёрдамчиси Н.Анаров, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - “Chinoz Advokatlari” адвокатлик фирмасининг адвокати Н.Курбанованинг иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-1115-2402/172-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Т [REDACTED] 1949 йил 20 май куни Тошкент вилояти, Чиноз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, пенсияда, бева, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED] иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокарасини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2024 йил март ойининг ўрталарида яшаш хонадони бўлган Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эҳтиром МФЙ, Эзгулик кўчаси, 20-уйнинг томорқасига ўзида олдиндан бўлган кўкнори гиёҳванд ўсимлик уруғларини сепиб, ушбу уруғлардан униб чиққан жами 4 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимликларини келгусида ўзининг истеъмоли учун парваришлаб етиштириб келган.

Чиноз тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимининг маълумотномасида, фуқаро Тухтасинова Инобатнинг яшаш хонадони томорқасидан аниқланган 2 туп кўкнори ўсимлигига ўхшаш ўсимликларга ишлов берилиб, парваришланган ҳолда ўсиб турганлиги кўрсатилган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 16 май кунидаги №728-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] яшаш хонадони томорқасидан олинган, пакет ичидаги 2 дона ўсимлик туплари танаси, барглари, илдизлари, бошоқлари ва кўсақларидан ташкил топган хўл ҳолдаги “опийли кўкнори ўсимлиги” туплари эканлиги, опийли кўкнори ўсимлиги



тупларидаги бошоқларида опий гуруҳига кирувчи фаол гиёҳванд модда морфин аниқланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2024 йил баҳор ойида яшаш хонадони томорқасига экиб, парваришлаб келаётган жами 4 туп кўкнори гиёҳванд ўсимликларидан 2 тупини 2024 йил 14 май куни яшаш хонадонини кўздан кечириш учун Чиноз тумани ИИБ ходимлари борган вақтида юлиб олиб, яшаш хонадонининг **хожатхонаси** ичига олиб кириб, яшириб сақлаган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 16 май кунидаги №729-сонли хулосасига кўра, И.Тухтасинованинг яшаш хонадонидан олинган, пакет ичидаги 2 дона ўсимлик туллари танаси, барглари, илдизлари, бошоқлари ва кўсақларидан ташкил топган хўл ҳолдаги “опийли кўкнори ўсимлиги” туллари эканлиги, опийли кўкнори ўсимлиги тулларидаги бошоқларида опий гуруҳига кирувчи фаол гиёҳванд модда морфин аниқланганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сонли қарорига асосан “Опийли кўкнори ўсимлиги” гиёҳвандлик воситалари Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси гиёҳванд моддаларни ноқонуний айланиши ҳақидаги рўйхатига кўра, тақиқланган гиёҳванд воситалар туркумига кириши кўрсатилган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2024 йил 14 май куни яшаш хонадонидан бўлган вақтида соат 09:00 лар атрофида келини Тухтасинова Ёкутой ва ўғли Тухтасинов Кабилжонлар ўзаро жанжаллашиб қолишганлиги, уларни ўзаро яраштириш мақсадида уларнинг олдида бориб, тинчлантирмоқчи бўлган вақтимда, улар уни оилавий жанжалига аралашшини истамаганлиги, шундан кейин келини маҳалла профилактика инспекторига телефон қилиб, яшаш хонадонидан жанжал бўлаётганлигини айтиб, ушбу масалада ёрдам беришини сўраганлиги, орадан биров вақт ўтгач яшаш хонадонига маҳалла раиси билан биргаликда маҳалла профилактика инспектори кириб келганлиги, улар келини ва ўғлини тинчлантиришиб, ўзаро яраштирганлиги, шундан кейин, маҳалла профилактика инспектори яшаш хонадонини кўздан кечиришни бошлаганлиги ва гуллар орасидан гиёҳвандлик ўсимликларига ўхшаш моддалар борлигини кўриб қолиб, Чиноз тумани ИИБ ходимларини чақирганлиги, биров вақт ўтгач яшаш хонадонига Чиноз тумани ИИБ ходимлари икки нафар холислар билан келишганлиги, у ИИБ ходимларининг олдида чиқиб улардан тинчликми, нима сабабдан мени уйимга келдинглар деб сўраганида Чиноз туман ИИБ ходимлари унга “Қора-дори-2024” кенг камровли профитластик-тезкор тадбири бўлаётганлигини, ушбу тадбир давомида кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечиришни ўтказиш ҳақидаги қарор билан уни таништириб, яшаш хонадонини ИИБ ходимлари икки нафар холислар ва бевосита унинг иштирокида кўздан кечиришларини айтишганлиги ва у рози бўлганидан сўнг улар билан биргаликда яшаш хонадонининг томорқасига боришганлиги ва у ерда гуллар орасида 2 туп парваришлаб ўсаётган “Опийли кўкнори” гиёҳвандлик



Ўсимлигига ўхшаш ўсимлик борлигини аниқлашганлиги, Чиноз тумани ИИБ ходимлари яшаш хонадонини кўздан кечириш учун келганида гуллар орасидаги жами 4 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигининг 2 тупини юлиб олиб, яшаш хонадонининг **хожатхона**сининг ичига ташлаб юборганлиги, ўша вақтида унинг ортидан келган ИИБ ходими **хожатхона**нинг ичига ташлаб юборган 2 туп кўкнори гиёҳванд ўсимлиги борлигини аниқлашганлиги ва холислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб баённома асосида далилий ашё тариқасида олишганлиги, у ИИБ ходимларига ушбу гиёҳвандлик ўсимликларини 2024 йилнинг эрта баҳорида гуллар орасидан чиққан вақтида кўриб қолиб, шамоллаган вақтида чойга дамлаб истеъмол қиларман деб, уларни парваришлаб келаётганлигини айтганлигини, ўша вақтида ИИБ ходимлари яшаш хонадонига келиб текширишни бошлаётганида, у яшаш хонадонининг томорқасидаги гуллар орасидаги кўкнори гиёҳвандлик ўсимликларининг 2 тупини юлиб олиб яшаш хонадонининг **хожатхона**си ичига ташлаган вақтида аниқлашганлиги, бироқ ушбу гиёҳвандлик моддасини бировга бериш ва сотиш нияти бўлмаганлиги, у яшаш хонадонига гиёҳвандлик ўсимликларини ўстириб парваришлаб келаётганлигини, ҳамда улардан 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигини **хожатхона** ичига ташлаб юборганлигини оила аъзоларига айтмаганлиги ва уларнинг бундан хабарлари бўлмаганлиги, сабаби, у ушбу гиёҳвандлик ўсимликлари гуллар орасида чиққан вақтида олиб ташламасдан, гуллар орасида кўринмайди деб қолдирганлиги, яшаш хонадонига бошқа шунга ўхшаш гиёҳвандлик ўсимликлари мавжуд эмас. Мени туман ИИБ ходимлари ўтказилган судга оид кимёвий экспертиза хулосаси билан таништиришганлиги, ушбу экспертиза хулосасида уни яшаш хонадонининг томорқасидан аниқланган гиёҳвандлик ўсимликлари опийли кўкнори ўсимлиги эканлигини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етиштириш тақиқланганлигини маълум қилишганлиги, у ўзи ушбу гиёҳвандлик ўсимликларини экиш тақиқланганлигини билишини, унга нисбатан ИИБ ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар бўлмаганлиги, ҳозирда қилган қилмишидан қаттиқ пушаймон эканлигини, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини билдириб,, уни аёллигини, кекса ёшда эканлигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар берди.

гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] мқд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, Тухтасинова Инобат уни қайнонаси бўлишини, у билан биргаликда бир хонадонда яшаб келишини, 2024 йил 14 май куни Чиноз тумани, Эҳтиром МФЙ, Эзгулик кўчасидаги яшаш хонадонига бўлган вақтида соат 10:00 лар атрофида, яшаш хонадонига овсини Тухтасинова Ёқутой турмуш ўртоғи Тухтасинов Кабилжан билан ўзаро оилавий жанжал бўлаётган вақтида, яшаш хонадонига маҳалла раиси ва маҳалла профилактика инспектори келишганлиги, у овсини ва унинг турмуш ўртоғи ўртасидаги низога аралашмасдан ўз ишлари билан юрганлиги, шундан кейин маҳалла раиси ва маҳалла профилактика инспектори Ё.Тухтасинова ва унинг турмуш ўртоғи К.Тухтасиновларни тинчлантирганлиги, у яшаш хонадонининг ичкарасига кириб кетганлиги, орадан биров вақт ўтгач яшаш хонадонига ИИБ ходимлари бир неча киши бўлиб кириб келишганлиги,



ИИБ ходимлари қайнонаси И.Тухтасиновани чақириб ўзаро нималарнидир гаплашишганлиги, шундан кейин ИИБ ходимлари яшаш хонадонини кўздан кечиришганлиги, ИИБ ходимлари яшаш хонадонининг томорқасидаги гуллар орасидан 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар борлигини аниқлашиб, холислар иштирокида расмийлаштириб ўзлари билан олиб кетишганлиги, кейинчалик қайнонасининг сўзларига қараганда, Чиноз тумани ИИБ ходимлари уларнинг яшаш хонадонининг томорқасидаги гуллар орасидан 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимликларини, яшаш хонадонидан 2 туп юлинган ҳолдаги кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигини топиб олиб кетишганлигини, у жарроҳлик операциясини бошидан ўтказганлиги сабабли яшаш хонадонининг томорқасидаги гуллар орасида гиёҳвандлик ўсимликлари борлигидан уни хабари бўлмаганлиги, у қайнонасида ҳозирда қандли диабет касаллиги борлиги сабабли, гиёҳвандлик ўсимликлари қандай қилиб уларнинг яшаш хонадонига келиб қолганлигини сўрамаганлиги, бироқ билишимча қайнонаси ушбу гиёҳвандлик ўсимликларини гуллар орасидан, гуллар билан қўшилиб ўсиб чиққан вақтида, уларни юлиб ташламасдан кейинчалик ўзи истеъмол қилиши учун парваришлаб келаётганлигини айтганлиги, у яшаш хонадонидан гиёҳвандлик ўсимлигини қайнонаси парваришлаб келаётганлигидан хабари бўлмаганлигини билдириб кўрсатувлар берди.

гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2024 йил 14 май куни соат 09:30 ларда Чиноз тумани, Эҳтиром МФЙ., Эҳтиром кўчаси, Эзгулик кўчаси, 20-уйда яшовчи Тухтасинова Ёқутхон унга телефон қилиб яшаш хонадонидан оилавий жанжал бўлаётганлигини айтганлиги, у ушбу чақирув бўйича Тухтасинова Ёқутхонларнинг яшаш хонадонига борида, Ё.Тухтасинова турмуш ўртоғи Тухтасинов Кабилжан билан ўзаро жанжаллашаётганлигини кўрганлиги, у уларнинг ўзаро жанжалларини баратараф этганлиги, лекин хонадонда яшовчи Тухтасинова Инобатнинг хатти-ҳаракатларида шубҳа туйилганлиги сабабли хонадонни кўздан кечирганида хонадоннинг томорқасидаги гуллар орасида 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар борлигини кўриб қолиб, Чиноз тумани ИИБ ходимларини чақирганлиги, Чиноз тумани ИИБ ходимлари етиб келгач, икки нафар холислар ва И.Тухтасиновага “Қора-дори-2024” кенг қамровли профилактик-тезкор тадбири давомида кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда кўздан кечиришни ўтказиш ҳақидаги Қарор билан таништириб, яшаш хонадонни холислар ва Тухтасинова Инобатнинг бевосита иштирокида кўздан кечиришларини айтишганлиги, кўздан кечириш давомида И.Тухтасинованинг яшаш хонадонининг томорқасидаги гуллар орасидан 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш ўсимликлар борлигини, уларнинг устига қуруқ хашаклар ташлаб, беркитиб қўйилганлиги аниқланганлиги, 2 туп кўкнори гиёҳвандлик ўсимлигига ўхшаш моддалари юлиб қўйилганлиги аниқланиб холислар иштирокида баённома тузилиб далилий ашё сифатида олинганлиги, И.Тухтасинованинг яшаш хонадонидан бошқа ноқонуний нарсалар аниқланмаганлигини билдириб кўрсатувлар берди.



Суд, давлат айбловчисининг хулосасини ва химоячининг фикрини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймон бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳлар З.Тоғаева, Е.Ирисбеков ва А.Исраиловларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари билан, билдирги, ашёвий далил олиш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 7-13), тушунтириш хатлари, судга оид кимёвий экспертизанинг 2024 йил 16 май кунидаги №728-сонли ва №729-сонли хулосалари (и.в. 22-23), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори (и.в. 46-47), кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в. 52-56), сўроқ қилиш баённомалари ҳамда жиноят иши бўйича барча тўпланган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарори талабларига мувофиқ, ушбу далиллар судланувчининг айбини тасдиқлаш учун суд томонидан асосли ва мақбул деб топилади.

Суд, судланувчи [REDACTED] жинойий ҳаракатларини дастлабки тергов органи томонидан юридик квалификация қилинишини муҳокама қилиб, тақиқланган экинларни, яъни таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштиришда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан;

-унинг гиёҳвандлик воситалари ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда эгаллаш, тайёрлаш, сақлашда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 2-қисмида, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги;

4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 01-сонли қарори 3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик



хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиги, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиной қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖКнинг 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига асосланган ҳолда судланувчи И.Тухтасиновага жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг шахсини, аёллигини, кексалигини, пенсия ёшида эканлигини, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, бироқ жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан у айбли деб топилган моддалар санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга суд, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий амалий тиббиёт маркази Сирдарё вилоят минтақавий филиалининг 2024 йил 25 майдаги 35-сонли далолатномасига асосан [REDACTED] гиёҳвандлик касаллигига дучор бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан мажбурий тартибда даволаниш чораларини қўлламасликни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларига кўра, иш бўйича ашёвий далиллар тақдирини муҳокама қилиб, 2024 йил 3 июлдаги №07836-сонли чипта асосида Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган 4 дона туп хўл “опийли кўкнори ўсимлиги” гиёҳвандлик моддасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига асосан, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] истон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан, Тухтасинова Инобатга узил-кесил 1 (бир) йил 2 (икки) ой муддага озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

[REDACTED] озодликни чеклаш жазосини Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эҳтиром МФЙ, Эзгулик кўчаси, 20-уйда ўташ белгилансин ва



сутканинг соат кеч 22:00 дан эрталаб соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Озодликни чеклаш унинг яшаш жойи бўйича Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБ Пробация гуруҳининг назорати остида ўталсин.

И.Тухтасинова зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин:

- муайян (*гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга, совуқ қурол, кишининг ҳаёти ва соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган пичоқ, бошқа ўтқир кесувчи ёки тигли, тўмтоқ*) буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи Чиноз туман ички ишлар органининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

- гиёҳвандлик воситалари ва алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Жазони ўташ муддати Тошкент вилояти Чиноз тумани ИИБ Пробация гуруҳининг ҳисобига қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 48<sup>1</sup>-моддасининг 5-бандига кўра, [REDACTED] озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд унга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин;

- 6-бандига кўра, у озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг [REDACTED] нисбатан дастлабки терговда қўлланилган “муносиб хул-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, иш бўйича ашъвий далил сифатида олинган ва 2024 йил 3 июлдаги №07836-сонли чипта асосида Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган 4 дона туп хўл “опийли кўкнори ўсимлиги” гиёҳвандлик моддаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикоят ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ёки кассация шикоят ва протест ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Х.Парпиев

